


Иордания фуқароси мусулмон давлатларига Қуръони карим тарқатмоқда



11:40 / 11.07.2019 1909

Иорданиялик улуғ ёшли Абу Закариё исмли киши қарийб 50 йилдан буён ҳаётини Каломуллоҳга хизмат қилиш билан ўтказмоқда. Сўнгги йилларда Абу Закариё мамлакатдан йиғиб келинган эскирган, йиртилган Қуръони каримларни қайта таъмирлаб, қўшни давлатдаги бева-бечора фуқароларга бепул тарқатиб келмоқда. Ўтган йили 500 та ана шундай таъмирдан чиқарилган Қуръони каримни Угандага юборган эди.

Маълум бўлишича, бу йил 2000 та Мусҳафи шарифни Африка қитъасидаги бошқа мамлакатларга юборишга тайёрламоқда. Қиладиган иши фақат қоғоз чиқиндиларни жамлаш бўлган Абу Закариё олдинги пайтлардан фарқли ўлароқ, ҳозирги кунларга келиб одамлар орасида Қуръони карим ёзилган саҳифалар, тафсир ва диний китобларнинг нусхалари, умуман Аллоҳ номи ёзилган қоғозларга нисбатан ҳурмат-эҳтиромнинг жуда ҳам пасайиб кетганини афсус билан тилга олади.

Islom.uz портали таҳририяти